

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 857-ҳадис

857 - وَعَنْ أَبِي الْأَسَّعِ وَائِثَةَ بْنِ الْأَسَّعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ مِنْ أَعْظَمِ الْفِرَى أَنْ يَدَّعِيَ الرَّجُلُ إِلَى غَيْرِ أَبِيهِ، أَوْ يُرِي عَيْنَهُ مَا لَمْ تَرَ، أَوْ يَقُولَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا لَمْ يَقُلْ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [3509].

857. Абуласқаъ Восила ибн Асқаъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кишининг ўз отасидан бошқа одамни отам, деб даъво қилиши ёки кўрмаган нарсасини кўзим билан кўрдим, деб даъво қилиши ёхуд Аллоҳнинг Расулига - соллаллоҳу алайҳи васаллам - у зот айтмаган гапни нисбат бериши энг улкан уйдирмалардандир»**, дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Одатда киши тушида кўрган нарсасини кўзи билан кўргандек ҳис этгани учун бу ерда тушда кўриш кўзи билан кўриш, деб ифода этилмоқда. Ёлғон туш айтишнинг бошқа ёлғон гаплардан кўра гуноҳи оғирлигининг сабаби шундаки, раҳмоний тушдаги хабар Аллоҳ томонидан бўлади. Шунинг учун ҳам тушни пайғамбарликнинг бир бўлаги дейилган. Бинобарин, ёлғон туш айтган киши бевосита Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ҳисобланади.

Кўрмаган тушини кўрдим деб, тўқима туш айтиш шариъатимизда ёлғончилик яъни, гуноҳ саналади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги ҳадисни айтдилар:

Бу мавзуда йўл қўйиладиган хатолар шуки, баъзилар шариатга зид нарсани тушида кўриб, амал қилиб юради. Баъзилар тонггача туш кўриб, кечгача уни одамларга айтиш, ё таъбирини излаш, ё сўраш билан кунни кеч қилади. Туш таъбири ёзилган китобларни излайди. Ваҳоланки, бундай китобларнинг аксарияти асоссиз, тўқима гаплардан иборат бўлади.

Аслида, туш ҳақидаги динимиз кўрсатмаларига амал қилиб, Ислом асослари, ҳалол-ҳаром, фарзу вожиб, суннатларни ўрганиш, амал қилиш

бурчимиз, вазифамиз бўлади. Инсон туш кўргани учун савоб ҳам, гуноҳ ҳам олмайди, лекин, юқоридаги бурч ва вазифаларини бажармаса, гуноҳкор бўлади, ундан сўралади. Зеро, улуғларимизнинг бир гапи бор: “Ўнгингда Аллоҳдан кўрқ, тушингдаги нарсдан кўрқма!”. Валлоҳу аълам.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI